

Ўрта асрлар даврида Скандинавия мамлакатлари деганда аввало Дания, Швеция ва Норвегия назарда тутилади. Бу мамлакатлар ўзига хос хилма-хил йўл билан ривожландилар. Аввало бу мамлакатларнинг ҳаммаси феодал муносабатлар секинлик билан ривожланиши эотиборни ўзига жалб қилади. Феодализм бу ерларда фақат XII - XIII асрлардан эотиборан узил-кесил таркиб топди. Шу билан бирга феодализмдан бурунги социал элементларнинг кўп тармоклари: эркин дехконларнинг кўп сонли табақаси: ер, ўрмон, сувга ижтимоий, коллектив эгалик қилишнинг (турли хил формаларида) таркаганлиги; то кейинги ўрта асрлар давригача айрим округларда халқ йиғинларининг ишлаб келганлиги. Европанинг бошқа мамлакатларига нисбатан бу ерларда христианликнинг кенгрок ёйилганлиги ва ёйилғнада ҳам унчалик илдиз отмаганлиги каби томонлари сакланиб қолган эди. Бу хусусиятларнинг ҳаммаси номи тилга олинган хар учала мамлакат тарихига маолум даражада из қолдирмай иложи йўқ эди. Скандинавия мамлакатларининг ўрта асрлар давридаги яна бир хусусияти шундан иборатки, улар бир-бирларидан ажралиб, алохида-алохида яшардилар. Уларнинг қуруқликдаги мамлакатлари билан сиёсий алоқаси нисбатан заиф эди.

Скандинавия мутлақо танҳо бўлиб яшамаган, албатта. Юкорида айтиб ўтилганидек, Скандинавияликларининг бир неча асрлар мобайнида қилган ҳужумлари Ёрбий Европани безовта қилган эди. Шимолий Германия ва Нидерландия, Англиянинг тарихи кўпинча у ёки бу Скандинавия мамлакатларининг, хусусан, Даниянинг тарихи билан ҳам пайвандлашиб кетар эди. Лекин, умуман олганда, Скандинавия мамлакатлари Европанинг алохида бир бурчаги бўлиб, улар қуруқликдаги асосий мамлакатлар ҳаёти билан нисбатан кам боъланган эдилар.

Скандинавиянинг учта номи айтиб ўтилган мамлакатлар орасида Данияда феодал муносабатлар анча мунча ривожланган эди.

Конут давлати емирилгандан кейин Данияда ҳукмронлик қилган Эстридсанлар династияси ўзига хос феодал династияси эди. Эстридсанлар христианлар черковига ҳомийлик қилдилар. Черков ер эгалигининг ривожланиши, черков династиясининг жорий этилиши, Данияда анча кўп миқдорда Еписковларнинг вужудга келтирилиши - манабуларнинг ҳаммаси XI-XII асрларда мамлакатни феодаллаштириш элементларини ташкил қилар эди. Феодаллаштиришнинг иккинчи томони дунёвий катта ер эгалигининг ўсиши бўлди. Харбий хизмат ўтовчи йирик зодагонлар ва кп сонлиар ер эгаларига айланиб, дехконлар оммаси ана шуларнинг крепостной қарамлиги остида яшар эди. Дастлабки пайтларда крепостнойлар сифатида, асосан, ерга кўчирилган қуллар эксплуатацияси қилинар эди. Европанинг турли мамлакатларига Данияликларнинг қилган ҳужумлари муносабати билан данияда ўз даврида қуллар жуду кўп бўлар эди. Аммо XII-XIII асрга келиб, эркак қишилар ҳам крепостной қарамликка тушиб қолдилар. Дания қороллари олдинрок, яони XI-XII асрдаёқ, қоролликдаги аҳоли эгалланмаган, ишлалмасди, "бўш ётган" ерларнинг ҳаммасини қороллик мулки, деб эолон қилган эдилар. Қоролга солиқлар тўлаши лозим бўлган ва оз моз (бир йилдан бир неча кун) баршчина мажбуриятлари ўтайдиган эркин дехконлар, мамлакатда харбий феодал системаси таркиб топа бориши билан, қороллар томонидан хусусий ер эгаларига бўлиниб берилди. Илгари эркин бўлган дезхконлар хусусий қарамликка тушиб қолгандан кейин, аста-секин қуллар орасидан крепостнойлари билан кўшилиб кетдилар. Аммо, шунга қарамай, Данияда қуллик асоратига тушмаган эркин дехконларнинг салмоғи

хатто ХУ асрда ҳам анча юкори эди: ХУ аср бошларида эркин дехконларга Даниядаги барча хусусий ерларнинг ҳеч бўлмаганда 15% қарар эди.

Данияда дехконларнинг куллик асоратига туширилиши одатда феодаллар томонидан шавкатсиз бострилган дехконларнинг каттик қаршилик кўрсатишига сабаб бўлди. Шимолий Ютландия 1441-1443 йилларда кўзьолон бўлди. бу кўзьолон бостирилгандан кейин Ютландия дехконларига қурол-яроқ тақиб юриш узок вақтгача ман этилди.

Еропани бошқа мамлакатларидаги сингари, феодаллашиш жараёни тараккиётнинг маолум босқичида Данияни ҳам феодал таркоқликка олиб келди. Йирик дунёвий ва черков феодаллари қирол ҳокимиятини чеклаб қўйдилар. 1282 йили Дания зодагонлари алоҳида нуборқ ёрлик хартияси олдилар, бу хартияга мувофиқ қирол хар йили халқ мажлиси (danehof) қақирриш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Бу олий кенгашда шаҳарликларнинг ҳам, дехконларнинг ҳам бир қанча вақиллари бўлсада, лекин амалда мамлакатни бошқаришда феодаллаор саосий рол ўйнайдилар, қирол ҳокимиятини мунтазам суратда назорат қилган давлат кенгаши шу феодаллар қўлида эди. XIV асрнинг биринчи ярмида Эстридсонлар династияси ўз обрўсини тамомила йўқотди. ХУ асрнинг 30-йилларида яни 8 йил давом этган ҳокимиятсизлик даврида, Дания ўзига қарашли мулкларнинг бир қисмини қўлдан бой берди. Бу мулкларнинг швед ва шимолий Герман феодаллари босиб олган эдилар. Қирол Валдемар IV Аттердак (1340-1375) қирол ҳокимиятини бироз вақт мустақамлашга муяссар бўлди. Қаролнинг асосий харбий қучини ташқил этган (рицарлдар, отлик қўшинлар, қамон билан қуролланган дехконлар - пиеда қўшини ташқил этар эдилар) Ридарларга ва эркин дехконларнинг қолган қутган қисмига таянган Валдемар IV- бу вақтга келиб Даниянинг шимолий Болтик денгизида ўсиб борган савдо-сотик ишларидан ҳазина манфаатлари учун ҳам фойдаланди. Бу вақтга келганда Дания балиқчилик (селрд балиги овлаш) қатта аҳамият қасб этди. Валдемер қўшини Голштинг графлигига қаттик зарба бериб, зунд бўёзи соқилларида шведлар сбосиб олган ҳудудни қайтариб олди. Эндиликда Зунд бўёзи тамомила Дания ихтиёрига ўтди. Бирок Дания қиролнинг Зунд бўёзини монополия қилишни тан олмаган Ганза иттифоқи билан Дания ўртасида кейинчалик қикқан уруш Валдемар учун мувоффақиятсизлик билан тугади. Ганзаининг иттифоқчилари бўлган шимолий герман князлар Данияликларга қаттик зарба бердилар. 1370 йилги Штравзум сулҳига мувофиқ Валдемар ганзаликларнинг Зунд бўёзи орқали олиб ўтадиган товарларидан савдо божларини анча қамайтириш лозим эди.

Валдемар IVнинг тахт вориси қиролича Маргарита (1375-1402) Скандинавиядаги бошқа мамлакатларнинг яъни Швеция ва Норвегиянинг сиёсий ва иқтисодий қолоқлигидан фойдаланиб, Дания гегемонлиги остида қатта шимолий федератив давлат тузмокчи бўлди. Шимолий федерация давлати хар қолда расмий жихатдан анча узок вақт (1397-1523) яшади. Норвегия қироли Гокан У1нинг хотини бўлган Маргарита 1375 йили Дания тахтига (Валдемар IУ вафот этганидан сўнг) ўз ўли Олафни сайлаштришга муваффақ бўлди. Гокан У1 ўлгандан кейин (1380й) Норвегия тахти ҳам Олаф қўлига ўтди. Олаф вафот этгандан сўнг Маргаританинг ўзи Дания ва Норвегия қироличаси деган титулни қабул қилди.

1397 йил Маргарита Швецияни ҳам иттифоққа қиритишга муваффақ бўлди. Бу вақтда Швецияда турли феодал гуруҳларнинг ўзаро қаттик қураши борар эди. Эйрик 11 (Маргаританинг набираси) расман Дания, Швейция ва норвегия қироли деб эолон қилинган бўлсада, амалда давлат ишларини рақбарликни то ўлимига қадар қекса қиролича ўз қўлида сақлаб келди. 1397 йилги Қалмар иттифоқи хар қолда Скандинавия

мамлакатларини ягона мустахам бир давлатга айлантира олмади. Шимолий мамлакатларда ўрта асрда чуқур ички зиддиятлар вужудга келди. Феодализм анча-мунча ривожланган Дания ўзининг колок шерикларини экмспулатация килишга интилди. Бу аввало шу нарсада намоён бўлдики, Дания зодагонлари ўз иттифокчи мамлакатларини ерларини босиб олиш ва хар канаканги соликлар ундириш йўли билан ўзларини даромадларини кенгайтиришга харакат килдилар. Бу табиий Данияга оппозицион харакатни келтириб чикарди. Швеция бу жихатдан энг сепаратистик кайфиятдаги мамлакат бўлиб чикди. 1435 йилдан эотиборан Дания королининг хокимияти Швецияда амалда номигагина хокимият бўлиб колди. Швед феодаллари шахарликлар билан дехконларни кўллаб -куватлаши туфайли Швецияга автономия берилишига эришдилар. Швед зодагонлари орасида сайланган алохида регентлар Швецияни деярли мутстакил хокимлардек идора килдилар. 1523 йилда Данияликларни Швециядан батамом хайдаб юбордилар. Швеция мустакил каролликка айланиб, унга ваза хонадонига мансуб бўлган махаллий швед династияси бошчилик килди. Норвегияга келсак. у бир канча уринишига карамай, Дания зулмидан узок вақтгача халос бўла олмади. Дания-Норвегия иттифоки фақат 1814 йилда бархам топиб, Норвегия Даниядан озод бўлди ва лекин шу оннинг ўзидаёк (буюк Давлатлар тазйики остида) Швеция билан бирлашди. Швеция иттифокида бутун бир аср яшади.

Швецияда феодал муносабатларнинг ривожланиши Даниядагига караганда секинрок борди. Швецияда уруьчилик муносабатлари узок сакланган эди. Ахолининг нисбатан сийраклиги, дехкончилик учун ерларни нисбатан камлиги аксинча тоь ва ўрмонли массивларнинг мўллиги булранинг хаммаси йирик феодал ер эгаларининг ривожланишини кийинлаштирган эди. Ахоли асосий оммаси деярли то ўрта асрларнинг охиригача мустакил эркин жамоатчилар холатини саклади. Ўрта аср Швециясида турли хил жамоа ерларининг мўллиги хам эотиборни жалб этади. Швецияда жамоа ери бир неча хил бўлади.

Ўрта асрлар давридаёк мавжуд бўлган уруьчилик саркитлари кўрсатилган эди. Шведларнинг одолр хукуки деб аталган хукукини, яони ер эгаси дехкон томонидан сотиладиган ерни сотиб олишга кўпрок уруьдошлар хакли эдилар. Энг катта ер эгалиги жанубий Швецияда таркалган бўлиб, бу ерда дехкончилик килиш учун кулай массивлар бор эди. Бу ерда XI-XII асрларга келиб, асосан швед зодагонлари ва Епископларнинг ер мулклари хам таркиб топди. Шунингдек. бу ерга кисман Даниядан . кисман Германиядан келган келгинди феодаллар хам бошқалардан кўра кўпрок ўтиб кирдилар. Бу хар иккала мамлакатдан келган феодаллар кўпинча хусусий крепостнойларни (кўпрок кулга айлантилган асирларни) хам ўзлари билан бирга олиб келадилар.

Ўз юртларида, яони Швецияда дехкончилик учун яроксиз ерлар нисбатан кам бўлганлиги ва крепостнойлар сони оз бўлганлигидан Швед феодаллари шаркда янги ерлар босиб олиш йўли билан бу камчиликни ўрнини копламокчи бўлдилар. XII-XIII асрларда Швед феодаллари Болтик денгизининг жанубий шаркий сохилини босиб олишга харакат килиб, бу ерда ўзга боскинчилар Данияликлар ва немис феодаллари билан ракобат олиб борадилар. X11 асрдан эотиборан Шведлар Финландияга хужум бошладилар. 1157 йили Шведлар Финландияга салб юришини ташкил этиб, натижада Финландиянинг анчагина кисмини забт этдилар, Финлар эса христиан дини кабул килишга мажбур бўлдилар. XII асрда шведлар Финландияни батамом истело килдилар. Бирок, швед феодаллари бу билангина чекланиб колмадилар. Улар Финландияга кўшни рус ерларини хам босиб олишга харакат килдилар. 1240 йилда шведлар Новгородга

юриш килдилар. Аммо Новгород князи Александр Невский Нева дарёси бўйида уларга катта зарба берди. (1242 йил 15 июлр) шундан кейин шведлар рус тереториясида узок вақтгача кўринмай кетдилар.

XII асрнинг ярмидан бошлаб, ва хусусан XIV - XV асрларда Швецияда феодал муносабатлар узил- кесил расмийлаштирилди, Лекин шундай бўлса ҳам дехконларнинг камида ярми бу пайтларда хали давлат дехконлари бўлиб колаверди. Жанубий Швецияда кишлок хўжалиги бозор оборотига кўзга кўринарли даражада тортила бошлаганлар. Кишлоқ хўжалик махсулотларидан ташкари, ёёоч, тахта, муйна, мис, кумуш , темир савдо-сотикнинг энг мухим нарсаси хисобланарди. Швецияда савдо- сотик ва кисман саноат кишлоклари вужудга келди. Улар орасида Колмар, Висби, Элсбар , Упсалар ва Або (Финландияда алохида ажралиб турар эди.) Швециянинг ташки, кисман эса ички савдосида ҳам ажнабий савдогарлар даниялик ва немис (Ганза) савдогарлари узок вақтгача рол ўйнаб кетдилар. Феодаллашиш жараёни муносабати билан X11 асрда жуда заифлашиб колган Швециянинг короли корол хокимияти X1У аср ўрталарида ўз обрў эотиборини кучайтиришга харакат килди. Корол Магнус Эрксон (1319-1363) майда феодалларга рицарларга шунингдек, шахарликларнинг юкори табакасига ва эркин дехконларга таяниб туриб, энг йирик феодаллар (герцоглар) нинг зўравонлигини чеклаб кўймокчи бўлди. Шу максадда 1359 йили Швецияда биринчи мартаба умумтоифавий йиьин регистаг чакирилиб, бунга 4 тоифа вакиллари : дунёвий феодаллар, рухоний, шахарликлар ва эркин дехконлар кирган эди. Аммо королнинг зодагонларни чеклаб кўйиш йўлидаги уриниши мувафаккиятсиз чикди. Корол зодагонлари босиб олган ерларни бир кисмини хазинага кайтармокчи бўлганида, зодагонлар Магнусга карши уруш бошладилар. Ана шу уруш махалида корол ҳам вафот этди.

Магнус Эриксоннинг ўлими билан Фолркунгларнинг махалий швед династияси (бу династия X11 аср ўртасидан бошлаб, мамлакатни идора килган эди) тугалланганиги сабабли, зодагонлар регисрат (далат кенгашида) шимолий Германиянинг немис шахзодаси Мекеленбург герцогинанин ўли Албертни корол килиб сайладилар. Зодагонлар, ажнабий корол тамомила бизнинг айтганимизни килади деб умид килган эдилар. Аммо Алберт билан биргаликда Швецияга кўпдан кўп Герман феодаллари келиб, улар Швецияга кўлга киртилган ўлжа деб карадилра. Алберт ўзи билан келган феодалларга ёьлик давлат мансабларини улашди. Шунингдек, у Швециядаги немис савдогарларининг савдо-сотик ишларини хар тарафлама раьбатлантирди. Буларнинг хаммаси мамлакатда кенг норозиликки сабаб ўлди. Бир канча жлойларда рицарлар шахарликлар ва дехконлар кўлларига курул олиб, корол амалдорларига ва ажнабий савдогарларга карши бош кўтардилар. Аристократияниннг кўпчилиги шулар каторида Швециянинг епископлари хам бундай вазиятда Дания билан иттифак бўлмок керак деган фикрни билдирдилар. Пироварди Дания ёрдамида Алберт ўрнидан аьдарилиб ташланди. Бирок, 1397 йилда тузилган Комар иттифоки Швецияни Данияга яна карам килиб кўйди. XУ-X1У аср бошларидаги Швецмиянинг бундан кейинги сиёсий тарихи аввало унинг “иттифокчи Дания” чангалидан халос бўлишни билдиради.

Данияликларнинг Швециядаги зўравонлигиа карши курашда иккита гурух Дания билан битим тузиш ва иттифок бўлишни ёклаган аристократик черков (дунёвий зодагонлар ва епископлар) гурухи ва ўрта хам майда дворянларга шахарликлар ва дехконларга таяниб , Дания билан иттифокни бекор килиш ва миллий мустакилликни кайта тиклаш тарафдорлари бўлган анча демократик иккинчи гурух майдонга келди.

Дехконларни куллик асоратига тушириши хавфинги солган Дания хукмронлигига карши 1434 йилда тоъли Далекарпияда дехконлар кўзьолони аланга олди. Майда дворян Энгелберг дехконларга бошчилик килди. Кўзьолон Далекарпияни ўзи билангина чекланиб колмади. Балки тез орада у бутун мамлакатга ёйилди. Натижада дания короли Эрик Швецияда тахтдан аъдарилиб ташланган деб эолон килинди. Шахарликлар ва дехкоонлар яна умумтоифали регистаг йиьилди.

Бирок, дехконлар оммасининг активлигидан кўрккан швед зодагонлари Энгелбергдан кутулишга шошилдилар. (тез орада у хоинона суратда ўлдирилди.) ва Дания феодаллари билан тил бириктирилди. Эйрик яна Швециянинг короли деб зотироф этилди. Бирок, Швецияга мамлакатни зодагонлари билан биргаликда идора килувчи алохида вице королга ёки регентга эга бўлиш хукуки берилди. 1470 йилдан эотиборан Швецияда Стуреннинг аристократик хонадонига мансуб вакиллар регентлар сифатида мамлакатни бошкардилар. Шундай килиб, махаллий династия майдонгша келди. Дания королининг хокимияти асосан, Швецияда давлат даромадларининг муайян бир кисмини кўлга киритишдан иборат бўлган эди. Швеция ХУ1 асрнинг биринчи ярмидагина Даниянинг хукмронлигидан узил-кесил озод бўлди.

Скандинавиядаги учта мамлакат ичида Норвгияда феодал муносабатлар энг кам даражада ривожланди. Сохилни Фиорлар ичкрига анча ўйиб кирган ахолисига дехкончиликдан кўра кўпрок чорвачилик ва турли хил ўрмон касбкорликлари билан шуьулланишга тўъри келган бу тоъли ва ўрмонзор мамлакатда феодал ерга эгалиги заиф ривожланган эди. Дехкончиликка ярокли ерларда асосан илгариги махалларда Скандинавияликларнинг хужумлари вактида асирлар сифатида бошфа юртлардан олиб келинган куллар орасидан чиккан крепостнойларни эксплуатация килардилар. Дунёвий ва черков зодагонлари Норвегияда Биглерлар деб аталадиган ўз гурухларини барвакт тузган эдилар. (Биглерларнинг асл маоноси эгри хасса демакдир. Бу ерда епископларнинг хассасига имо килинган). Иккинчи демократик гурух эса, Беркенгберглар (асл маоноси “чиппи кавуш киювчилар” демакдир) деган белгили бир ном билан юрар эди. Дехконлардан ташкари бу гурухга майда дворянлар шунингдек, шахарликлар хам кирар эди.

Дания билан иттифок бўлиш Норвегия учун хийла социал окибатларга сабаб бўлди. Феодал жихатдан анча ривожланган Дания Норвег феодалларининг яни, норвег дехконларини кисман ва уларни ўзларига карам килиш йўлидаги уринишларда бу феодалларни бевосита кўллаб - кувватлади. Иккинчи томондан Дания феодаллари Норвег ахолисидан солик ва бошка конунсиз хаклар ундириш йўли билан Норвегиядаги турли харбий гражданлик ва черков мансабларини ўз кўлларига ўтказиб олиш йўли билан феодал жихатдан чала- чулпа ривожланган ва сиёсий жихатдан ўзларига бўёсундирилган кўшни бир мамлакатни амалда эксплуатация килиб келдилар. Шундай килиб, ўрта аср Норвегиясининг тарихи антика бир тарихдир. Бунинг антикалиги шундаки бир томонда Норвегия тугалланиб етмаган феодализмнинг тимсоли сифатида ўрта асрларнинг бошидан то охиригача кўп сонли эркин дехконларни саклаб келди ва иккинчи томондан бу феодал бўлмаган дехконлар мамлакати (шуниси энг мухим) хар калай кучли феодал эксплуатацияга дучор килинди. Бу эксплуатация нисбатан заиф бўлган махаллий “норвег” феодаллари томонидан эмас, балки бирлашган Дания - Норвегия короллигида хоким миллат сифатидаги келгинди ажнабий (даниялик) ер эгалари томонидан амалга оширилди. Норвегия халк оммаси Дания феодаллари хукмдорлигига карши ьайрат билан бир неча марта бош кўтарди. 1501 йилги кўзьолон

энг йирик ва мувофаккиятли кўзьолон бўлиб, унда норвег дехконлари асосий рол ўйнадилар. Бу кўзьолонга Кнут Алрсин рахбарлик килди. Норвег дехконлари Дания кўшинларини яксон килиб ташладилар. Дания Норвегиядаги хукмронлиги бархам топгандек эди. Бирок хали халк оммасининг активлигидан хавфсираб колган биглерлар гурухи Дания феодаллари билан битим тузди ва шундай килиб, ўз мамлакатиннг миллий озодлигига гов солди.

АДАБИЁТЛАР

1. История средних веков в 2 т. 1. Под. ред. З.В. Удалрцовой.
2. В.Ф. Семёнов . Ўрта асрлар тарихи. Тошкент. 1973.